

**“Ўзавтосаноат” АЖ Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментининг 2024 йил фаолиятида мурожаатлар билан ишлаш йўналишида амалга оширилган ишлар тўғрисида**

**Ҳ И С О Б О Т**

Жамият ва унинг тизим корхоналарида мурожаатларни кўриб чиқишда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг 28.12.2016 йилги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2018 йилги 341-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат ташкилотларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом ва бошқа қонун-ҳужжатлари талабларига риоя этилмоқда.

Жамият ва унинг корхоналари бўйича **2024 йилда жами 5.475 та** мурожаат келиб тушган.

Жумладан:

- **“Ўзавтосаноат” АЖ**да (тизим корхоналаридан ташқари) 2024 йилда жами 2.213 та мурожаат келиб тушган. Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 2.209 таси ижобий ҳал этилган, 1.783 та мурожаат бўйича чоралар кўрилган, 283 таси ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар бериш орқали қаноатлантирилган, 82 та та мурожаат аноним деб топилиб, рад этилган, 11 та такрорий мурожаат кўриб чиқилиши белгиланган тартибда тугатилган ва 61 та мурожаат кўриб чиқилмоқда.

Келиб тушган мурожаатларнинг 1.562 таси жисмоний шахслардан, 651 таси юридик шахслардан, 766 таси ёзма, 1.301 таси электрон ва 146 таси оғзаки кўринишда келиб тушган.

Мурожаатларни ўрганиш натижасига кўра, 14 нафар шахс жавобгарликка тортилган, шундан 12 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилган ва 2 нафар ходим маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда мавжуд хато-камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Шунингдек, жамиятнинг **Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш Департаментига** келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этиб келинмоқда. Бундан ташқари, алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида **Комплаенс департаментига** 2024 йилда жами 15 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатлар тегишлилиги бўйича тизим корхоналарига юборилиб, назоратга олинган.

Жамият томонидан ташкил этилган алоқа каналлари, хусусан “Facebook”, “Telegram” ижтимоий тармоқлари, ишонч телефони ва расмий вебсайти орқали мурожаатлар келиб тушмаган.



Кўриб чиқилган мурожаатлар мазмуни таҳлил қилинганда, уларнинг 1 таси жамият ходимларининг хатти-ҳаракати юзасидан, 1 таси ишга жойлашиш, 3 таси ойлик иш ҳақи ва бошқа тўловлардан бўйича, 2 таси раҳбарият қабулига кира олмаганидан норози ва 8 таси бошқа масалалар ҳақида бўлган;

- **“UzAuto Motors” АЖ**га жами 3.213 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан Комплаенс хизматида 2024 йилда коррупцион ҳолатлар юзасидан жами 7 та мурожаат (хабар)лар келиб тушган, улар жамият мол-мулкани талон-торож қилиш (4) ва моддий манфаатдор бўлиш мақсадида пул талаб қилиш (3) мазмунида бўлган.

Юқорида қайд этилган барча ҳолатлар юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, тўпланган ҳужжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Натижада, 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган (ЖК 167-м), 2 та ҳолатда жиноят иши қўзғатиш рад этилган (зарар баргараф этилган) ва 4 та ҳолатда терговга қадар текшириш ҳаракатлари давом этмоқда. Шунингдек, юқоридагилардан ички идоравий ҳужжат ва комплаенс сиёсатлари бузилган 6 та ҳолатда айбдор ходимлар интизомий жазо тариқасида ишдан бўшатишган;

- **“UzautoComponents” МЧЖ**га 2024 йилда жами 18 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 1 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг вертуал қабулхонаси, 10 таси “Ўзавтосаноат” АЖ электрон почтаси орқали ва 7 таси бевосита фуқаролар томонидан берилган мурожаатларни ташкил этган.

Кўриб чиқилган мурожаатлар мазмуни таҳлил қилинганда, 5 таси тизим корхоналари раҳбарият ходимларидан норозилик, 5 таси ишга жойлаштириш ва меҳнат низолари, 2 таси моддий ёрдам ва рағбатлантириш, 6 таси харидлар билан боғлиқ жараёнлар хусусидаги мурожаатлар ҳисобланади.

Келиб тушган мурожаатлардан 16 таси қонун талаблари доирасида ўз муддатларида ҳал этилиб, муаллифларига кўриб чиқиш натижалари бўйича жавоб хатлари юборилиши таъминланган ва 2 ҳолат бўйича хизмат текширувлари ўтказилиб, натижаси бўйича корхона ички меёрий ҳужжатлари талабларини бузган 2 нафар ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган.

- **“Тошкент Трактор Заводи” МЧЖ**да 2024 йилда жами 29 та (моддий ёрдам кўрсатиш, хомийлик, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш тўғрисида ва бошқа мазмунда) мурожаатлар келиб тушган ва булардан 20 тасига тушунтиришлар берилган, 8 таси қаноатлантирилган ва 1 таси қайтариб олинган.


- **“Жиззах Авто” МЧЖ**га 2024 йилда жами 2 та, шундан 1 та юридик шахсдан ва 1 та жисмоний шахсдан мурожаатлар келиб тушган бўлиб, қонуний ҳал этилган. Жамиятга шу даврда коррупцияга оид хабарлар келиб тушмаган.

Шу билан бирга, жамият ходимларида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни янада кучайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш чоралари кўриб борилмоқда.

Бу борадаги ишларни тизимлаштириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш ва уларни таъқиб қилмаслик кафолатларини яратиш мақсадида, 2024 йил 08 майда “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тўғрисида”ги Сиёсат ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ўтказилган таҳлиллар мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида, Комплаенс департаменти ходимлари томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

**Комплаенс хизмати раҳбари**

A handwritten signature in blue ink, consisting of several loops and a long vertical stroke, positioned between the title and the name.

**А.Одилов**